

## СТОМАТОЛОГИЯДА БИОЭТИКАВИЙ ДУНЁҚАРАШ ВА МУНОСАБАТНИНГ АҲАМИЯТИ

**Н. А. Умирзакова**

PhD, ТДСИ Ижтимиий фанлар биоэтика курси билан кафедраси доценти

### АННОТАЦИЯ

Тиббиётнинг асл мақсади одам организмига нисбатан биоэтик муносабатда бўлишдир ва бу стоматологиянинг барча йўналишларига ҳам тегишли. Оғиз бўшлиғи одам организмининг энг муҳим қисми ҳисобланади, чунки организмдаги бошқа ҳамма аъзо ва системаларнинг соғлом бўлиши унга боғлиқдир. Шунинг учун оғиз бўшлиғи тўқималари патологиясида тўғри даволаш усулини танлай олиш билан, инсонни бир бутун тизим сифатида соғлиғини тиклаш каби энг муҳим натижаларга эришиш мумкин. Биоэтик нуқтаи назардан врач-стоматолог у қандай йўналишда фаолият кўрсатишидан қатъий назар, терапевт, ортодонт, ортопед ёки жаррох биоэтиканинг фундаментал принципларига таянган ҳолда фаолият юритиши керак: “Яхшилик қил, зарар етказма”, “Даволаш фаолиятидаги объект - беморни ҳурмат қил”, “Соғлиқ ҳамма нарсадан устунлигини унутма”. “Яхшилик қил” принципида врач-стоматолог учун беморнинг соғлиғи ҳақида қайғуриш назарда тутилган.

**Калит сўзлар.** Биоэтика, дилемма, оғиз бўшлиғи, терапевт, ортопед, ортодонт, жаррох, дегуманизация, технологизация.

### КИРИШ

Оғиз бўшлиғи одам организмининг муҳим қисми бўлиб, у бир қанча вазифаларни бажаради. Шунинг учун ҳам стоматология соҳасида биоэтик муносабат ҳар бир врач-стоматологнинг асосий мажбуриятига айланиши керак.

### АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Тиббиётнинг ривожланиши, шу жумладан стоматологиянинг ривожланиши, у ёки бу патологик ҳолатларни даволашдаги муаммоларнинг ечимини топишга олиб келмоқда. Ҳозирги кунда жуда кўп касалликларнинг тури ва кўринишлари мавжуд бўлиб, врач тўғри ташхис қўйиши ва тўғри даволаш тактикасини олиб боришида иккиланишларга яъни дилеммаларга юз тутмоқда. Шунинг учун ҳам тиббиётда турли даволаш усулларини қўллаш учун махсус тиббий кўрсатма ва қарши кўрсатмалар мавжуд. Улар ёрдамида шифокор қайси даволаш



усулларини беморда қўллаш мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқлай олади. Стоматологик фаолиятда ҳам шу каби кўрсатмаларни инобатга олган ҳолда даволаш ишларини олиб бориш, бемор билан самимий суҳбат куриб анамнез йиғиш, аввал тахминий ташхис қўйиш ва кейин қўшимча текшириш усулларига юбориш кераклиги ҳозирги кун биоэтикасининг долзарб муаммоларига айланиб бормоқда. Авваллари қўшимча текшириш усуллари тахминий ташхисни тасдиқлаш учун керак бўлган. Ҳозирги кунда эса тахминий ташхис ёки бирламчи ташхис деган атама йўқолиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда тиббиёт дегуманизациялашиб, яъни инсонпарварликдан чекиниб, тобора технологизациялашмоқда. Бунда шифокор ва бемор ўртасида бўладиган мулоқот камайиб бормоқда, натижада беморларнинг шифокорга айтмоқчи бўлган дилдаги гаплари қолиб кетиб, уларнинг ўрнига инновацион технологиялар гапирмоқда. Афсуски, бу ҳолат стоматологияда ҳам кузатилмоқда. Бемор стоматолог-врач олдига жони оғриганидан келади (кўп ҳолатларда), врач уни эшитишни ўрнига қўлига бир қатор йўлланмаларни ёзиб, текшириш усулларига юборади. Балки олдин бемор билан суҳбатлашиб кўриш керак эди деган фикр эса унда пайдо булмайди. Бемор вақтини, маблағини сарфлаб керак ва керакмас тахлиллардан ўтиб келади. Вахоланки биргина дентал рентген етарли бўлган ҳолат эканлигини кейинроқ тушуниб етади. Агар врач бемор билан озгина вақт ажратиб суҳбат олиб борганда ва анамнезни тўлиқ йиға олганида, жони оғриб турган беморни шунча сарсон қилмасдан, тез тиббий ёрдам кўрсата олган бўлар эди.

## ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бугунги биоэтиканинг яна бир муаммоларидан бири шифокор-бемор ўртасидаги мулоқотнинг камайиб бориши, бунинг натижасида тиббий терминологиядан тахминий ташхис ёки бирламчи ташхис атамасининг йўқолиб боришидир. Охир оқибатда эса яна бемор азият чекмоқда.

Ечим: Шифокор бирламчи кўрикда бемор билан вақтини аямасдан суҳбатлашиши керак. Бу суҳбат давомида анамнез учун керак бўлган кўпгина маълумотларни олиши ва тахминий ташхис қўя олиши мумкин бўлади. Натижада беморнинг шифокор ҳақидаги фикри ўзгариб, унга нисбатан ишончи ортади. Қолаверса беморни олтинга тенг вақти ва маблағи шарт бўлмаган қўшимча текшириш усулларига сарфланмай, зарурий малакали тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятига эга бўлади.

## REFERENCES

1. Mukhamedzhanovna, M. Z., Akmalovna, U. N., Abdusamatovich, K. S., Gapparovna, S. D., Arifovna, U. D., & Tashpulatovna, K. P. (2021). Bioethics-Paradigm of Humanization of Medical Education. *Annals of the Romanian Society for Cell Biology*, 125-133.
2. Мухамедова, З. М. (2019). Умирзакова Н. А. Феномен медицинских гуманитарных наук и международный опыт интеграции гуманитарных наук в медицинском образовании. *Философские проблемы биологии и медицины: феномен биорациональности*, (13), 304.
3. Мухамедова, З. М. (2019). Интеграция гуманитарных наук в медицинское образование: проблемы и перспективы. *Journal of Health Development*, (1 (30)), 37-45.
4. Мухамедова, З. М. (2009). *Биоэтика. Учебное пособие*. Ташкент.
5. Мухамедова, З. М., & Умирзакова, Н. А. (2021). Актуальность формирования социального контекста биоэтических проблем в Узбекистане. *Гуманитарный трактат*, (99), 7-15.
6. Mukhamedova, Z. M., & Umirzakova, N. A. (2019). The phenomenon of medical humanities and the international experience of integrating the humanities in medical education. *Philosophical problems of biology and medicine: the phenomenon of biorationality*, (13).
7. Мухамедова, З. М., & Умирзакова, Н. А. (2018). Паллиативная помощь: современность и традиции мусульманской биомедицинской этики. *Гуманитарный трактат*, (21), 38-40.
8. Mukhamedova, Z. M. (2006, October). Issues and contradictions in bioethics of 21st century: Islamic prospects. In *Abstract book, First sub-regional expert meeting on ethics education in science and technology*, Iran, Tehran (pp. 28-29).
9. Мухамедова, З. М. (2005). Исламская биоэтика в историческом аспекте. Сайт Ташкентской Медицинской Академии: [www.gram.uzsci.net](http://www.gram.uzsci.net).
10. Мухамедова, З. М. (2004). Введение в биоэтику. Т., Уч. пособие-2004.-120с.; Мухамедова ЗМ *Биоэтика*. Т. ЎзМУ Ресурс маркази. Ўқув кўлланма-2006. 144б; Мухамедова ЗМ и др. *Биоэтика*. Т. Уч. пособие-2009.163 с.
11. Сатарова, Д. Г., & Умирзакова, Н. А. (2016). Развитие глобальной этики и всеобщая декларация о биоэтике и правах человека. In *Этика и история философии* (pp. 202-207).
12. Сатарова, Д. Г. (2015). Стратегия компьютеризации и информатизации и проблема гуманизации образования. *Иътифоқномаи Ҷамъияти Илмию Таълимию Варзиши Ҷумҳурии Тоҷикистон*, 116.
13. Сатарова, Д. Г. (2014). СОЦИАЛЬНЫЙ ИДЕАЛ И ПОСТКОЛОНИАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ ДЛЯ "ПОНИМАЮЩЕГО КОНТРОЛЯ". *Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов*, (1), 106-108.

14. Sadullaevna, Y. L., & Baratovna, A. G. (2021). LOGICAL PRINCIPLES IN THE DOCTRINE OF IBN SINA AND THEIR FORMATION CHARACTERISTICS.
15. Юлдашева, Л. С., & Абдурахимова, Д. М. (2021). Жамиятда одоб-ахлоқ меъёрларини бузилишининг ижтимоий омиллари. Журнал Социальных Исследований, 4(4).
16. Yuldasheva, L. S., Khashimova, G. F., & Khosilova, A. A. (2020). THE CONCEPT OF TRUTH IN KANT AND HEGEL. Theoretical & Applied Science, (2), 451-454.
17. П'ина, Г. В., Berezhnaya, I. A., & Yuldasheva, L. S. (2019). Formirovanie gotovnosti pedagogov k realizatsii so-vremennykh zdorov'esberegayushchikh tekhnologii s det'mi doshkol'nogo vozrasta: monografiya, Magnitogorsk, Izd-vo Magnitogorsk. gos. tekhn. un-ta im. GI Nosova.
18. Obol'nikova, E. A., & Yuldasheva, L. S. (1973). Isolation and identification of the ubiquinone synthesized by the fungus *Blakeslea trispora*. Applied Biochemistry and Microbiology, 7(1), 38-40.
19. Akkazieva, B., Tello, J., Smith, B., Jakab, M., Krasovsky, K., Sautenkova, N., ... & Shoismatuloeva, M. (2015). Better noncommunicable disease outcomes: challenges and opportunities for health systems. Tajikistan country assessment. Geneva: WHO.
20. Умирзакова, Н. А. (2019). Репродуктивные технологии в системе здравоохранения Узбекистана в качестве социальной инновации. In Наука, образование, инновации: апробация результатов исследований (pp. 884-888).
21. Умирзакова, Н. А. (2022). СТОМАТОЛОГИК ТАЪЛИМДА БИОЭТИКАВИЙ МУАММОЛАРНИ ЎРГАНИШ ДОЛЗАРБЛИГИ. Academic research in educational sciences, (2), 69-72.
22. Умирзакова, Н. А. Востребованность биоэтики для гуманизации медицинского образования в Узбекистане. IX міжнародного симпозиуму з біоетики здоров'я, медицина та філософії: СТРАТЕГІ ВИЖИВАННЯ, 15-16.
23. Умирзакова, Н. А. (2020). Значение изучения биоэтики в формировании профессиональной компетентности у студентов медицинских ВУЗов. Научные исследования XXI века.-Нефтекамск, (5), 7.
24. Умирзакова, Н. А. (2020). БИОЭТИКА КАК ЦЕННОСТНАЯ ОРИЕНТАЦИЯ В ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ ВРАЧЕЙ. Гуманитарный трактат, (77), 4-7.
25. Мухамедова, З. М., Умирзакова, Н. А., & Бабаджанов, Ж. (2017). Проблема смерти мозга в исламской биоэтике. Гуманитарный трактат, (17), 15-18.